


Япониялик олимлар Исломга кирди



19:00 / 17.01.2020 9533

Қаришни кечиктириш учун илмий изланиш олиб борган 7 нафар япониялик олимлар Исломни қабул қилиб мусулмон бўлишди. Бу ҳақда en.shafaqna.com манбаси хабар берди.

Олимлар нега мусулмон бўлганликларини қуйидагича баён қилдилар:

«Олиб борилган илмий изланишларимиз натижасида, «табiiй йўл» билан қаришни кечиктириш учун зайтун ва анжирдан фойдаланиш кераклигини аниқладик. Биз синаб кўрган бир нечта синовларда, 7 та зайтун, 1 та анжирдан тайёрланган кремларимиз ҳақиқатда қаришни кечиктирганига гувоҳ бўлдик. Қуръони Каримда ҳам зайтун билан анжирнинг ёшликка фойдаси борлиги ёзилган экан.

Бундан ташқари, Қуръонда 7 марта зайтун, 1 марта анжир сўзи зикр қилинган экан.

Бу нарса тасодиф эмаслигини билиб Ислом динини танладик. Бизни бошқарётган яратувчи борлигини ҳис қилдик. Биз У борлиққа Аллоҳ, деймиз».

Абдуллоҳ Раҳимбоев таржимаси